


Гар шоҳману, сенга қуллигимдан шодман



15:31 / 17 сентябрь 1129

Мен тушдиму бандингга қачон, озодман!

Гар шоҳману, сенга қуллигимдан шодман!

Бор дарди жаҳоннинг менга қилмас таъсир,

Чехрангни кўриш билан дили ободман!

Хуррам ўша кун жонни сенга топширсам,

Фарҳод ила Мажнунга, ахир, авлодман!

Қошингда макон тутдиму, бердим кўнгил,

Дўстлик уйини қилолмадим бунёд ман.

Билсанг, нима хоҳишим менинг васлингдан:

Ўзликни қилолсам сени деб барбод ман!

Қай кунки, дилим олдинг-у, маҳбуб бўлдинг,

Ушшоққа вафо бобида мен устодман!

Қаддингни хаёли токи кўзим ичра,
Сарв бўлса халойиқ, мен сарви озодман![\[1\]](#)

Бу ташбеҳ агар мосмас: ширинсўзсанким,
Бу борада Ширинсану, мен Фарҳодман!

Давлат қани – тўксам қадамингга қумдек?
Мен дўмбирадек ичи ҳавою бодман![\[2\]](#).

Бу чарху фалак бўлди мудом қасдимда,
Тортмас қўлини то бўлмасам барбод ман.

Шероз сиқилтирди кўнглимни жуда,
Қилсам бўлар энди сафари Бағдод ман.

Кўкка етар, аммо Соҳиби девонга[\[3\]](#) –
Етмас сира урсам-да неча фарёд ман!

Саъдий, ватанни севиш иймондандир,
Лек ўлма очингдан дея: «Мен зурёдман!»

* * *

Жаннат дегани суҳбати ҳамдам асли,
Ёр бўлмаса мос, юзи жаҳаннам асли.

Етсанг ҳузурига улуғ инсонларнинг,
Қадр айла, ҳаёт маъниси шул дам асли.

Девлар-да юрар – суврати одам гўё,
Кўз, оғиз эмас нишони одам асли.

Одам дегани хулқи билан одамдир,
Ё ҳусни билан бошқаси алдам асли.

Ҳар кимки ҳасад этмаса, чекмас ҳасрат,
Ёр ёр ила топишса, шу байрам асли.

Саҳро йўлини тутмаса ким кўкламда,
Кўклам нафаси унга муҳаррам асли.

Ким боғласа кўзини гўзал юзлардан,
Панд этма, жаҳолат унда маҳкам асли.

Бўлмайди ҳаловат сира бу оламда,
Бўлмай яқинингда ёри ҳамдам асли.

Қон оқса агарда ярадор кўнгилдан,
Дўстларни кўриш бўлади малҳам асли.

Дунё гўзалу мол азизу жон ноёб,
Ёр барчасидан аммо мукаррам асли.

Мол дардида ҳасратда ҳамиша мумсик,
Саъдий эса дўст васли-ла хуррам асли.

* * *

Юзинг қошида дунё гулистонлари мот!
Бахш этгуси васлинг кишига мангу ҳаёт!
Бир қатра томиз икки лабингдан ерга,
Ўлик табиатга жон кирсин шу заҳот!

* * *

Эй тонг ели, сен узоқ сафар айлагайсен,
Ул ёр эшигидан-да гузар¹ айлагайсен.
Биздан унга сен дуою хизмат етказ,
Сўр: «Дўстлардан қачон хабар айлагайсен?»

* * *

Дўст айбини дўст юзига ким солмаса, бас,
Бу чин дўстлик одати-ю расми эмас.
Дўстлик шуки, дўсти тўғри йўлдан тойса,
Дўстлик юзидан дўстини дўстим демас.

* * *

Бўлмас юритиб қисмат узра фармон,
Етганда ажал топилмагайдир дармон.
Бўлмайдди экин-тикин қилиб қиш фасли,

Қил яхшилик бор экан қўлингда имкон.

* * *

Дунё молидан бўлса ҳам бир қил,
Ўзингни жаҳонда бутпараст деб билгил.
Синдирдим у ташладим, дейсан, бутни,
Ҳолбуки, яшар у сен билан, эй ғофил!

* * *

Алдайди сени қачонгача бу дунё?
Вақт етди – қил охирагга ҳам бир парво.
Умр ўтди-ку, бўшатиб берарсан энди
Ўрнинг янги авлодга – бу эски савдо.

* * *

Мард аҳли на жаннат, на жаҳонни истар,
На сочи узун, қоши камонни истар.
Бир ёр бор уларда – ҳеч назири йўқдир,
Ҳар икки жаҳонда шу жонни истар.

* * *

Турса ҳамки минбар пойида,
Эшак сира бўлмайди одам.
Эшакдайдир кирса-да юзга,
Ўрганмаса адаб одам ҳам.

* * *

Дарвеш қоқиб ўтар эшикни бир бор,
Унга эшик кўпдир, сен ема кўп ғам.
Сенга сир айтганга ишонма зинҳор,
Сенга айтган айтар бошқаларга ҳам.

Саъдий Шерозий

Эргаш Очилов таржимаси
«Ҳилол» журнали 2(59) сон

[1] Сарви озод – тик ва баланд сарв.

[2] Бод – ел, шамол.

[3] Соҳиби девон – Шамсиддин Жувайний